Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2020 йил 16 январь • пайшанба • № 10-11 (4296)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЭКСПОРТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 январь куни экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Жаҳонда иқтисодий рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда барқарорликнинг асосий омили ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллашдир.

Экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида ўтган йили мамлакатимиз экспорти ҳажми 28 фоизга ўсди. Ҳудудий саноат экспорти қарийб 2 баробарга ошди.

Мазкур йўналишдаги кўрсаткичларни янада ошириш мақсадида бу йилдан бошлаб прогноз кўрсаткичларини белгилаш ва мониторинг қилиш бўйича янги тизим жорий этилди. Авваламбор, экспорт прогнози 3 йиллик қилиб тасдиқланди. 2020 йил режаси ўтган йилгига нисбатан 22 фоиз кўп белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштириш йўналишларига масъул мутасаддиларнинг вазифалари кўриб чиқилди. Ҳар бир доллардан унумли фойдаланиш бўйича ҳудудлар ва тармоқлар раҳбарларининг шахсий масъулияти белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бундан буён тармоқ ёки ҳудуднинг масаласи деган сансоларлик бўлмаслиги, экспорт прогнози ижросини таъминлашга ҳар бир вазир, хўжалик бирлашмаси раҳбари ҳоким билан бирга теппа-тенг жавоб беришини таъкидлади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига жорий йилги экспорт прогнози ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқиб, маҳсулотларни қаерга, қачон экспорт қилиш ва буни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Тўқимачилик, мева-сабзавотчилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ва автомобиль саноати каби етакчи тармоқлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига пахта толасини қайта ишлаш қувватларини 80 фоизга етказиш, янги корхоналар ҳисобига экспорт номенклатурасини диверсификация қилиш ҳамда географиясини кенгайтириш топширилди.

Мамлакатимиз экспортёрларининг салоҳиятли бозорларга киришини енгиллаштириш учун имтиёзли савдо режимини жорий этиш, «GSP+» умумий преференциялар тизимига қўшилиш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда мева-сабзавотлар экспорти масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Мева-сабзавот экинларини экспорт талабидан келиб чиқиб оптимал жойлаштириш, салоҳиятли ташқи бозорларда савдо уйлари ва дилерлик тармоқларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Ихтисослашган 55 та туманда мева-сабзавотлар етиштиришни кластер шаклига ўтказиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

«Ўзстандарт» агентлигига ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда 155 та фермер хўжалигида «Global G.A.P.» халқаро стандартини жорий этиш, Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорлар талабларига мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Экспорт фаолияти жозибадорлигини ошириш учун экспорт ва экспортолди молиялаштириш тизимини ташкил этиш, ташиш харажатларини қоплаш механизмини кенгайтириш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида инвестицияларни жалб этиш масалалари таҳлил қилинди.

Ўтган йили барча манбалар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестицияларнинг қарийб 30 фоизини тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ташкил этди. Саноати ривожланмаган, олис туманларга ҳам катта инвестициялар кириб борди. Умумий қиймати 5,4 миллиард доллар бўлган 145 та тармоқ ва 167 та ҳудудий лойиҳалар ишга туширилди.

Жорий йилдан бошлаб Инвестиция дастурлари янги тизим асосида ишлаб чиқилди. 2020 йил учун 1569 та хусусий ва тўғридан-тўғри инвестиция лойиҳалари рўйхати тасдиқланди. Мазкур дастурга асосан шу йилда 233 триллион 200 миллиард сўм, жумладан, 7,1 миллиард доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарлари бу борада амалга ошириши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Тегишли вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига тармоқ лойиҳаларини ўз вақтида ишга тушириш бўйича жавобгарлик юкланди. Ҳудудларда амалга ошириладиган тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги ҳар бир лойиҳага республика идоралари раҳбарлари масъул сифатида бириктирилди.

Мутасаддиларга галдаги лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ишларини якунлаб, хорижий инвесторлар билан шартномалар имзолаш ва ижросини қатъий назоратга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселекторда жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳалар ижроси ҳам муҳокама қилинди.

Президентимиз бюджет маблағларининг самарали сарфланиши, белгиланган 2 минг 190 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли бажарилишини қатъий назоратга олиш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда 372 та болалар боғчаси, 343 та мактаб, 228 та тиббиёт муассасаси, 61 та олий ўқув юрти, 44 та спорт иншооти, 187 та ичимлик ва оқова сув тармоғи, 241 та ирригация ва мелиорация объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари белгиланган.

Ўтган йили бошланган лойиҳаларни сифатли амалга ошириш, янги объектлар бўйича тендер савдоларини якунлаш ва молиялаштириш юзасидан топшириқлар берилди.

Президентимиз инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, инвестициялар самарадорлигини баҳолашда муаммолар сақланиб қолаётганини қайд этди.

Мутасаддиларга хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда тармоқлар ва ҳудудлар бўйича инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш, бунда жалб қилинаётган инвестициялар самарадорлиги ва иқтисодий-ижтимоий таъсирини баҳолаш, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни йўналтириш учун етакчи соҳаларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришда биринчи навбатда инфратузилмага уланиш имкониятлари ва харажатларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан яна бири – маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш орқали ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Шу мақсадда 2019 йил якуни бўйича локализация доирасида 800 дан ортиқ лойиҳалар ишга туширилди. Хусусан, поливинилхлорид, катанка, электродвигатель, шиша идишлар, маиший техника, ҳар хил дори-дармонлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жорий йилдан бошлаб маҳаллийлаштириш дастурини янгича ёндашувлар асосида шакллантирамиз, деди давлатимиз раҳбари.

Хусусан, 830 та лойиҳа доирасида 9 триллион сўмлик янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзагротехсаноат-холдинг» АЖ, «Ўзавтосаноат» АЖ, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, шунингдек, Тошкент шаҳри, Фарғона, Хоразм, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари аниқ лойиҳаларни амалга оширишлари лозимлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳар бир вазирлик ва идора билан биргаликда бир ой муддатда 2020 йил маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, лойиҳаларни амалга оширишда асосий эътибор маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий самарадорлигига, таннархини камайтиришга қаратилиши керак.

«Ўзстандарт» агентлигига тадбиркорлик субъектларига импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши бўйича шахсий назорат ўрнатиш топшириғи берилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатасига жойлардаги масъуллар билан биргаликда Республика саноат ярмаркаси доирасида тузилган шартномалар ижросини тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

Видеоселектор йиғилишида мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

**ЎзА**

## КУН НАФАСИ



Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири **Сергей Лавров** 15 январь куни **мамлакатимизга келди.**

**uza.uz**

* * *



Ўзбекистонда махфий бўлган айрим хариталар, географик ахборот тизимлари ва аҳоли пунктларининг бош режаларидан очиқ фойдаланиш имкониятини берувчи **ҳукумат қарори қабул қилинди**.

**uza.uz**

* * *




Франция Республикасидаги Марказий Осиё консалтинг компанияси ҳуқуқшуноси Адреан Кантернинг **«Uzbek legal reforms» рисоласи нашр этилди.**

**uza.uz**

* * *



15 январь куни Бухоро вилоятидаги халқаро математика фанига ихтисослаштирилган **«Қоракўл мактаби» билан ҳамкорликда Навоий – Қоракўл мактаб интернати**нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

**uza.uz**

* * *



Ўзбекистон Республика Бош прокуратурасида Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Республика **идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши** бўлиб ўтди.

**uza.uz**

* * *



Халқаро дзюдо федерацияси президенти **Мариус Визер** спортимиз тарихида биринчи маротаба 2021 йили катталар ўртасида дзюдо бўйича мамлакатимизда ўтиши кутилаётган жаҳон чемпионати ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш мақсадида **Тошкентга келди.**

**uza.uz**

* * *



Пойтахтимиздаги «Wyndham Tashkent» меҳмонхонасида **Биринчи Европа ва Осиё мамлакатлари истеъмолчилар форуми** ўз ишини бошлади.

**uza.uz**

* * *



14 январь куни «Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори Ф.Абдухолиқов мамлакатимизнинг Куала-Лумпурдаги элчихонаси кўмагида Малайзия давлат телерадиокомпанияси раҳбарияти билан учрашди.

**uza.uz**

* * *



15 январь куни пойтахтимиздаги «Миллий» стадионида спорт жиҳозлари ва инвентарлари жой олган **спорт карвонини** мамлакатимиз ҳудудларига **кузатиш маросими** бўлиб ўтди.

**uza.uz**




### КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ




«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун. 5-модда.




## Азиз газетхонлар!

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ўз вақтида оляпсизми?**

Таҳририят газеталарнинг ўз манзилига етиб боришини доимий назорат қилиб бориш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида **«Муштарий гуруҳи»** каналини ташкил қилди. Агар Сизга газета ўз вақтида етиб бормаётган бўлса, қуйидаги ҳавола – **t.me/ishonchmurojaat** орқали телеграм гуруҳига қўшилиб, таҳририятга мурожаат қилишингизни сўраймиз. Шунингдек, мурожаатлар **(+99871) 256-87-73** телефон рақами орқали ҳам қабул қилинади.

## Она тили

(Воқеий ҳикоя)



«Фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга, шунингдек, уларни касаба уюшмасига аъзо бўлишга ёки аъзоликдан чиқишга мажбурлашга йўл қўйилмайди».

*«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасидан*

2020 ЙИЛ 16 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА
№ 10-11 (4296)

Эътибор ва эътироф

# Орзу-умид қандай туғилади?

**Тошкент вилоятида жойлашган дам олиш масканлари, санаторийлар орасида «Умид гулшани»нинг ўрни бўлакча. Яқинда ушбу санаторий ўзгача зиё оғушига тўлди. Нурга, файзга чулғаниб, ўқитувчи ва мураббийлар гулшанига айланди.**



Гап шундаки, бу масканда республикамиздаги энг фидойи ва заҳматкаш устозлар ҳордиқ чиқариб кетди. Яъни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Президент фармонига кўра, давлат мукофотларига сазовор бўлган бир гуруҳ педагогни бепул дам олдирди.

– Ўттиз йилдан буён Чимбой туманидаги 14-мактабда кимё-биология фанидан дарс бериб келаман, – дейди қорақалпоғистонлик Гулпаршин Рамонова. – Ўтган йили давлатимиз раҳбарининг фармони билан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим. Бу менга янада катта масъулият юклади.

– Тан олиш керак, сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тизими бутунлай янгича ўзгариш ва ривожланишлар жараёнини бошидан кечирмоқда, – дейди Қарши шаҳридаги «Ilmu ziyo school» номли нодавлат мактаб раҳбари Учқун Раҳмонов. – Бундан руҳланиб, 2018 йилда «Ilmu ziyo school» нодавлат мактабини ташкил этган эдик. Бугунги кунда ушбу муассасада 300 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Касаба уюшмаларининг устозларни дам олдираётгани эса хайрли ташаббус бўлди. Шу кунларда қайноқ иш соатларим мазмунли дам олиш онлари билан алмашди. Санаторийдаги муолажалар, мазали парҳез таомлар, пойтахтлик санъаткорлар иштирокидаги маданий тадбирлар, цирк усталари тақдим этган қизиқарли томошалар асносида кўнгилли ҳордиқ чиқардик.

– Халқ таълими соҳасида муносиб меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар ҳамиша эътиборимизда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармасининг маданий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Маҳмуда Мурзаева. – «Умид гулшани» дам олиш масканида уларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган. Албатта, бундай хайрли ишлар давом этади.

Дам олиш масканида мазмунли ҳордиқ чиқарган таълим фидойилари орасида Валентина Корниенко ҳам бор. Бу жонкуяр аёл ўзининг ибратли иши билан барчага ўрнак. Гап шундаки, у қаровсиз қолдирилган уч нафар болани асраб олди. Баъзи бировлар ўз фарзандини боқишга оғриниб юрган бир паллада етти ёт бегона уч болани икки фарзандига қўшиб оқ ювиб, оқ тараш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

– Ёшлигимда кўп фарзандларим бўлишини ният қилардим, – деди Валентина Корниенко. – Шу боис, уч нафар бола асраб олганман. Ҳалол касбим билан уларни вояга етказдим. Ҳозир улар ўзидан тиниб-тинчиган. Барчасини ўз болаларимдек азиз кўраман. Мана, меҳнатларим роҳатини кўриб ўтирибман. Давлатимиз томонидан муносиб тақдирландим. Мана бундай дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариш насиб қилди. Аслида, бир инсонга бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

– Қарши шаҳридаги 35-умумтаълим мактабида 20 йилдан буён физика фанидан дарс бераман, – дейди Гўзал Тўраева. – Санаторийда бепул дам олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов қўлидан қабул қилиб олганимда жуда ҳаяжонландим. Чунки фаолиятим даврида бирор марта ҳам сиҳатгоҳда дам олмаган эдим-да. «Умид гулшани»даги даво муолажалари, маданий-маърифий тадбирлар, айниқса, Тошкент вилояти ва пойтахт бўйлаб ташкил қилинган саёҳатлар менда катта таассурот қолдирди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик. Айниқса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқ таълими вазирлигидан вакиллар келиб, маданий-маърифий тадбир ўтказишгани, биз билан суҳбат уюштириб, китоблар улашиб, дам олиш кунларимизни янада файзиёб қилгани кўп вақт ёдимизда қоладиган бўлди.

– Ёшим 70 да, – деди Чироқчи туманидаги 112-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси Мирза Туйғунов. – Етмиш йиллик ҳаётим давомида касаба уюшмаларининг доимий ғамхўрлигини сезиб келдим. Мириқиб ҳордиқ чиқариб уйимга қайтар эканман, шу азиз Ватан учун ҳали жуда кўп ишлашим зарурлигини ҳис қиляпман.

Айни дамда бу каби фикрлар мароқли дам олиб, янгидан-янги куч-ғайрат, ташаббусларга тўлиб ортига қайтаётган барча устозларнинг дилидан ўтаётгани, шубҳасиз.

**Акмал АБДИЕВ,**
**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,**
«ISHONCH»

*Наманган вилояти*

**Мамлакатимизда қонунийлик, ихтиёрийлик, камситишга йўл қўймаслик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлилик, ошкоралик ва очиқлик тамойиллари асосида фаолият юритувчи касаба уюшмаларининг бундан кейинги фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.**

Тарғибот

# Янги қонун моҳияти ниmaларда акс этмоқда?



Қонуннинг 6-бобида касаба уюшмалари, бирлашмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳуқуқларига алоҳида урғу берилган. 27-моддага кўра, касаба уюшмалари аҳоли бандлигини таъминлаш, ишдан озод этилаётган ходимларни ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш, шунингдек, касаба уюшмалари ва уларнинг бирлашмалари давлат бандлик дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, бандликни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва мавжудларини сақлаб қолиш, ташкилотларнинг фаолиятини яхшилаш чора-тадбирларини таклиф этиш ҳуқуқига эга.

Қонунда касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқларига алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, 33-моддада касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ташкилотларнинг раҳбарларидан ходимнинг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари ҳақида ахборот олиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларини текширишда иштирок этиши, ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриши, ходимнинг меҳнатини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқлари камситилган ҳолларда ходимнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган.

Қонуннинг 44-, 45-моддаларида касаба уюшмаларининг инспекцияларини тузишга ҳамда касаба уюшмалари инспекторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, касаба уюшмалари инспекторлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида судларда ва меҳнат низоларини кўриб чиқадиган бошқа органларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз ташаббусига кўра, ходимларнинг илтимосига биноан вакил сифатида қатнашиш, ходимларнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва уларнинг соғлиғига шикаст етказганлигини, касб касалликларини текширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Айни кунларда барча бошланғич ташкилотларда ушбу қонун мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

**Лутфиддин ҒАНИЕВ,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

*Қашқадарё вилояти*

**Ўтган йили Таълим фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғузор тумани кенгашига 77 та (39 та ёзма, 38 та оғзаки) ариза ва шикоят келиб тушди.**

Ҳуқуқий ҳимоя

# Ҳар бир мурожаатда инсон тақдири бор

Асосан иш ҳақи, таътил пуллари тўловларидаги чалкашликлар, туғиш таътилидан қайтиб, ишга чиқишдаги муаммолар, иш берувчиларнинг ходимларга муомаласи ва улар фаолиятидаги адолатсизликлар, ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазодан норози бўлиш, вазифасидан ноқонуний озод этиш, дарс тақсимотидаги норозиликлар ва шу каби мавзуларда мурожаатлар қайд этилди.

Кенгаш аралашуви билан тумандаги 11-мактабнинг икки нафар, 71-мактабнинг бир нафар, халқ таълими бўлимининг бир нафар ходимининг ўз вақтида ололмаган иш ҳақи ундириб берилди. 71-мактабнинг номутахассислиги сабаб ишсиз қолган бир нафар ходими эса бошқа иш билан таъминланди.

Мактабгача таълим бўлимининг уч нафар ходимининг олган интизомий жазоларини муддатидан олдин олиб ташлаш бўйича иш берувчиларга тақдимнома киритилиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари муҳофаза қилинди. Бундан ташқари, туман кенгашида жорий этилган «Ишонч телефони» орқали 40 нафар ходимга турли мавзуларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Албатта, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради. Бу эса ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқий билимларини янада ошириш, йил давомида меҳнат қонунчилигига оид ўқув-семинарлар ташкил этишни тақозо этади.

**Эшпарда НИЁЗОВ,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғузор тумани кенгаши раиси

*Навоий вилояти*

Анжуман

# Меҳнат шароити қониқарли(ми?)

**«Навоийазот» акциядорлик жамиятида Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда «Меҳнат муҳофазаси – хавфсиз меҳнат шароити» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

Унда касаба уюшма фаоллари, меҳнат муҳофазаси бўлими муҳандис-техник ходимлари ва ишлаб чиқариш цехларидан сайланган меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар қатнашди.

Республикамиздаги кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи энг йирик корхоналардан бири ҳисобланган «Навоийазот» акциядорлик жамияти 4 та ишлаб чиқариш ва 70 дан ортиқ цехдан ташкил топган бўлиб, унда 9 мингдан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилиб келмоқда.

Корхонада ташкил этилган «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси марказлашган хизмати»да 25 нафар муҳандис фаолият кўрсатади. Ишлаб чиқариш ва цехларда 218 нафар меҳнат муҳофазаси вакили сайланиб, бошланғич касаба уюшма қўмитаси қошида меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси фаолияти йўлга қўйилган.

Қайд этилишича, меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида корхонада уч поғонали текширув ўтказиш тизими йўлга қўйилган. Ҳар куни, ҳар ҳафтада, ойда ва чоракда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникасига риоя этилиши, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касаллигига чалинишнинг олдини олиш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича текширувлар жараёнида аниқланган камчиликлар бартараф этилади. Шунингдек, ҳар ойнинг охирги жума куни корхонада «Меҳнат муҳофазаси куни» деб эълон қилинган.

Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини, ишчанлик даражасини ошириш, чарчаш, касалланиш даражасини пасайтириш мақсадида ҳар куни икки маротаба корхона радиоси орқали 15 дақиқа гимнастика машқларини бажариш йўлга қўйилган. Ушбу машқлар ходимларнинг меҳнат самарадорлигини оширишига кўмаклашмоқда.

Семинарда корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Тўлқин Рўзимуродов жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш жараёнида хавфсизликни таъминлаш, иш вақтида жароҳатланишнинг олдини олишга қаратилган барча талаблар акс эттирилганини таъкидлади. Ходимларни хавфсизлик техникаси талаблари бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш, меҳнат муҳофазаси бўйича кабинет ва бурчаклар ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси бўйича семинар ва суҳбатлар ўтказиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида айтиб ўтди.

Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларнинг ҳуқуқ ва вазифалари, вакиллар фаолиятини самарали ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишини бартараф этиш, иш берувчини мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш борасида йиғилиш қатнашчиларига тушунтиришлар берилди.

**Низом ЎРОЛОВ,**
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси

*Самарқанд вилояти*

Касаба уюшмаси аралашгач...

# Бекор бўлган «ташаббус»

**Жорий йилнинг бошида Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига «Ипак йўли» туризм халқаро университети касаба уюшма ташкилоти раиси З.Арзиқулов, университет ходимлари З.Васиев, Д.Саттаров ва А.Амиров имзолаган шикоят хати келиб тушади.**

Унда баён этилишича, собиқ биринчи проректор Азамат Акбаров қатор ходимларни тузилмавий такомиллашув баҳонасида ишдан бўшатиб юборган, касаба уюшма тузилмаси фаолияти қонунга хилоф равишда ўзгартирилган.

Таълим даргоҳидаги вазиятни касаба уюшмаларининг юридик бўлими ва тармоқ мутасаддилари ўрганиб чиқишди. Сиртдан қараганда, ҳамма ишлар силлиқ. Чунки ишдан бўшатилган барча ходимларнинг ўз хоҳиши билан ёзган аризалари бор.

– Бу аризаларни собиқ биринчи проректор А.Акбаров алдов йўли билан ёздириб олган, – дея воқеликка изоҳ беради бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Зайниддин Арзиқулов. – Хусусан, ўзим университет Ахборот ресурс маркази директори лавозимида ишлаганман. Касаба уюшмага раҳбарлик жамоатчилик вазифам эди. Ўтган йилнинг 30 сентябрь куни А.Акбаров тузилмавий такомиллашув боис ишлаб турган вазифам қисқаргани сабабли ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб беришимни, мени сиртқи бўлим раҳбарлиги вазифасига тайинламоқчилигини билдирди. Ариза ёздим, ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ тайёрланди-ю, аммо янги вазифага тайинланмадим. Қисқаси, ўз хоҳишим билан ишдан бўшаган кишига айландим. Ваҳоланки, мен бутун жамоа сайлаган бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси ҳам саналардим...

Таълим даргоҳидаги ушбу масалага доир ҳужжатлар кўздан кечирилганда, 2019 йил 31 октябрда университет сенатининг (янги тузилма) биринчи йиғилиши баённомаси эътиборни тортди. Ушбу йиғилишдаги учинчи масала айнан касаба уюшмаларига тааллуқли эди. Унда сўз олган илмий кенгаш раиси З.Васиев (шикоят муаллифларидан бири, кейинчалик унинг ўзи ҳам ишдан бўшатилган) касаба уюшма раҳбари З.Арзиқулов ишдан бўшатилгани, аммо касаба уюшмалари «орган» сифатида фаолият юритиши лозимлиги, шунинг учун касаба уюшма қўмитаси раислигига университет Оқсоқоллар кенгаши аъзоси М.М.Ҳайдаров номзодини таклиф этади.

Ушбу йиғилишда яна бир киши, туризм менежменти факультети декани С.Йўлдошев ҳам сўзга чиқиб, илм даргоҳи Болонья таълим тизимига ўтаётгани муносабати билан кўплаб хорижий мутахассислар жалб этилаётгани, шунинг учун бу ерда касаба уюшмаси эмас, кадрлар бўлими, яъни HR – бўлими таркибида ходимларнинг турли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича мутасадди штати жорий этилиши лозимлиги, бу жаҳон тажрибаси эканини (ана кашфиёт!) таъкидлаган. Унинг таклифи овозга қўйилади ва қабул қилинади. З.Васиевнинг таклифи беэътибор қолдирилган. Университет ходимлари манфаатини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида штат бирлиги киритилиб, унга касаба уюшмаларининг функционал мажбуриятлари юклатилиши тўғрисида қарор қабул қилинади. Ушбу қарорга биринчи проректор (собиқ) А.Акбаров имзо чекади.

– Меҳнаткаш манфаати, меҳнат ҳуқуқи борасидаги қонунлар касаба уюшмаларининг қатъий назоратида. Жамоат ташкилотига аъзо бўлиш ва таркибдан чиқиш ҳам қонун меъёрларига асосланади. Яна бир карра эслатиш жоизки, касаба уюшмалари ходимларнинг вакиллик органи ҳисобланади. Иш берувчи касаба уюшмалари фаолиятини тугатиш ваколатига эга эмас. Аксинча, унинг фаолияти учун шарт-шароит яратишга масъулдир, – дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими мудири Улуғбек Ғаниев. – Университетдан келган шикоят аризани ўрганиш жараёнида биринчи проректор А.Акбаров тўрт нафар ходимни (айнан шикоят аризаси билан мурожаат қилганлар) ишдан бўшатишга ваколати бўлмаган (яъни буйруққа имзо чекиш) бир пайтда ишдан бўшатган. Ваҳоланки, унга университетда кадрлар тақдирини ҳал этиш (бўшатиш, ишга олиш) ваколати 15 октябрда берилган. Бу пайтгача у ўзбошимчалик билан буйруқларга имзо чекиб, ходимларни турли усуллар билан ишдан бўшатиб юборган. Ушбу даврда 20 нафар ходим ишдан кетган. Вазият шу даражага бориб етганки, ўқув бўлими услубчиси Д.Сатторов касаллик варақасида, қолаверса, меҳнат таътилида бўлган даврда ишдан бўшатиб юборилган. Хуллас, ваъда қилинган «қуйруққа» ишониб ариза ёзган ва алданиб қолганлар анча.

Айни дамда Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан қонунбузилиши бартараф этилди. Собиқ биринчи проректор А.Акбаров «ташаббуси» билан ноҳақ ишдан бўшатилган ходимларни ўз ўринларига қайтариш чоралари кўриляпти.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»

**Ҳикмат**

*Инсоннинг вазифаси оқилона фаолиятдир.*

АРАСТУ

Шахсий фикр

**Собиқ совет иттифоқи даврида давлат мафкураси жамиятни мутлақ партизация (партиялашув) жараёнидан ўтказган эди. Ёшликдан бошлаб одамлар ўз ҳаётида партизациянинг бир неча босқичларини босиб ўтарди. Бундай тизим совет давлати тугатилгач, барҳам топди. Одамлар партияга аъзо бўлишдан анча совиди. Буни департизация тушунчасида ифода этиш мумкин. Бу тушунча партиявийликдан қочиш, партиявийликка нисбатан бефарқ бўлиш, партиядан умидини узишни англатади. Вақт ўтган сари давлат демократик ислоҳотлар турли сиёсий партияларни тақозо этишини эътироф этиб, бу масала тобора долзарб тус ола бошлади. Бу ҳолатни репартизация, яъни қайта партиялашув, деб атаса бўлади.**

Шу тариқа жамиятимиз «партизация – департизация – репартизация»дек мураккаб жараённи бошидан кечириб келмоқда. Боз устига, бу жараённинг мана шу уч жиҳати бир-бирига ўтувчан бўлиб, унда партиявий тизимнинг ривожланиш динамикасида ҳам илгари силжиш, ҳам ортга қайтиш аломатлари кузатилиши мумкин. Жамиятнинг турли қатламларида бу жараён турлича тус олади. Шунинг учун фуқароларимиз онгида кўпинча партиявий тафаккур чалкаш, ноаниқ, саёз ва ҳатто нотўғри кўринишда намоён бўлмоқда.

Сиёсий партиялар соҳасида машҳур тадқиқотчилардан бири **Ла Паломбара**нинг фикрича, сиёсий партиялар сиёсий тизимнинг вазифалари муайян мураккаблик даражасига етган ёки сиёсий ҳокимият аҳолининг давлат ва жамият ҳаётида иштирок этиши керак, деган хулосага келган ҳамма жойда пайдо бўлади. Сиёсий партияларнинг асосий вазифалари сифатида давлат бошқарувида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш; ўз электорати ҳамда бутун жамият манфаатларини илгари суриш; давлат ва жамият тараққиётига қаратилган муқобил лойиҳа (дастур)лар ишлаб чиқиш каби кўплаб функцияларни бажариб келади. Немис сиёсатшуноси **Клаус фон Бейме** сиёсий партияларнинг устувор функциялари сифатида қуйидагиларни эътироф этади: ўз мақсадини аниқлаш, мафкурасини ишлаб чиқиш, ҳаракат дастури ва йўналишини белгилаш; жамоатчилик манфаатларини бирлаштириш ва илгари суриш; фуқароларнинг социализация ва мобилизациясини ташкиллаштириш; мамлакат бошқарув элитаси ва ҳукумат таркибини шакллантириш; ўз тарафдорлари ва аъзолари ўртасида мустаҳкам ижтимоий алоқалар, тартиб-қоидалар ва ишонч омилини ўрнатиш.

Хўш, мана шу функциялар мамлакатимиздаги партияларнинг фаолиятида нечоғли илдиз отган?

Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш мушкул. Биздаги сиёсий партиялар «пастдан юқорига» эмас, балки «юқоридан пастга» деган тамойил асосида тузилган эди. Бу улар фаол ва ташаббускор фуқароларнинг мустақил сиёсий иродаси билан эмас, балки давлатнинг ташаббуси билан яратилган деганидир. Мана шу воқелик партияларнинг жонсиз ва давлат органларига тобе бўлиб қолишига асосий сабаб бўлди.

Партияларнинг ўзаро рақобатга қодир эмаслигини Президент Шавкат Мирзиёев танқид қилди. Демак, партиявий тизим жиддий ислоҳотга муҳтож. Бунинг учун, авваламбор, партияларнинг асосий муаммоларини бартараф этиш зарур. Бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти ва уларни том маънодаги фуқаролик жамияти институтига айланиши борасидаги фундаментал муаммоларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

***биринчидан,*** сиёсий партиялар ўз ҳаракати ва фаолияти жиҳатидан жамиятдан, электоратдан узилиб қолган десак, муболаға бўлмайди. Сиёсий партиялар дастурларида индивидуаллик ва рақобат йўқ. Партиялар расмий ҳукумат амалга ошираётган сиёсатга нисбатан муқобил дастур ва моделларни илгари суриш қобилиятига эга эмас.

***Иккинчидан,*** ҳалигача сиёсий партияларнинг ижтимоий асоси – электорати тўлиқлигича шакллантирилмаган. Қолаверса, амалда сиёсий партиялар билан улар ўз электорати, дея эълон қилган ижтимоий гуруҳ ўртасида «қайта алоқа» тизими мавжуд эмас. Аҳоли (сайловчилар) ўзларини қийнаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечими бўйича депутатларга (партияга) мурожаат қилишдан кўра, ҳокимият ёки ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишни афзал кўради. Масалан, Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти ўтказган социологик сўровда *«Сизнинг ҳуқуқларингизни амалда ким ҳимоя қилади?»* деган саволга респондентларнинг аксарияти (27 фоиз) ҳуқуқ-тартибот органлари, яна бир қисми маҳалла ва ҳокимият идоралари, дея жавоб берган бўлса, сўровда иштирок этган биронта респондент сиёсий партия ёки ўзим сайлаган депутат, дея жавоб бермаган.

***Учинчидан,*** ҳозирда, сиёсий партиялар ташкилотларида кадрлар муаммоси жуда долзарблигича қолмоқда. Партия тизимида ҳали-ҳамон ёши ўтган ва эскича фикрлайдиган партташкилотчилар фаолият юритмоқда. Ёш, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрларнинг сиёсий партиялар тизимига келмаётганини партияларда ойлик маошнинг пастлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, сиёсий партиянинг марказий органлари ходимлари, лавозимига қараб, 1,5 миллион сўмдан 2 миллион сўмгача маош олади.

***Тўртинчидан,*** демократик норма ва қадриятларнинг сустлиги сиёсий партияларнинг муҳим муаммоларидан биридир. Ўзларини «демократик» партия, дея эълон қилган мазкур сиёсий партияларнинг фаолиятида демократияга хос бўлмаган кайфият устун эканини кузатиш мумкин. Булар партия бошқарув органлари сайловида, сиёсий партиядан депутатликка номзодларнинг кўрсатилишида, партия тизимида ўрнатилган чуқур вертикал муносабатларда яққол кўринади. Мазкур ҳолатлар, аслида, жамиятда демократияни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган фуқаролик жамияти институти ҳисобланмиш сиёсий партияларнинг халқ олдидаги имижига путур етказмоқда.

***Бешинчидан,*** мавжуд партияларнинг мафкуравий асослари ҳамда дастурий ғоялари умумий ва бир-бирига ўхшаш тарзда ифода этилган бўлиб, улар орасидаги принципиал фарқ сезилмайди. Мисол тариқасида айрим ҳолатларни эслатиш кифоя. Жумладан, бир томондан «адолат» ғояси, иккинчи томондан «миллий тикланиш» ғояси бир-бирига жуда яқин ва зид эмас. Қолаверса, партияларнинг ташқи сиёсий позициялари деярли мавжуд эмас. **Халқ демократик партиясининг, ҳаттоки, номи ҳам бироз ғалати белгиланган. Чунки демократия сўзининг ўзи халқ ҳокимиятини билдиради. Шу маънода, партиянинг номида «халқ халқ ҳокимияти» деган сўзлар чучмал ибодан бошқа нарса эмас.**

***Олтинчидан,*** партияларимиз, негадир, мухолифат сўзидан чўчиётгандек таассурот уйғотади. Бу сўз, гарчи қонунларимизда киритилган ва эътироф этилган бўлса-да, сиёсий жараёнимизда ва мулоқотларимизда қўлланилмай қолди. Бу масалага ҳам инновацион ёндашув ва ойдинлик киритиш вақти келди. Гап шундаки, мухолифат сўзи жуда тор ва салбий маъно ҳосил қилиб, стереотип ва қотиб қолган тушунчага айланди.

Масалага кенгроқ ёндашсак, Ўзбекистонга, аслида, мухолифатдан ҳам кўра сиёсий хилма-хиллик (ҳурфикрлик) муҳити яратилиши кўпроқ мақсадга мувофиқ. Яъни, жамиятда табиатан мавжуд турли фикрлар, ғоялар, эҳтиёжлар, манфаатлар ва талабларнинг давлатга етиб бориши учун тегишли каналлар яратилиши лозим. Айнан мана шу муаммо жиддий ижтимоий таҳдид яратиши мумкин. Чунки тинч ва юқори маданиятли (яъни халқаро тилда «толерант») тарзда турли баҳс-мунозаралар ўтказиш ва сиёсий рақобатга киришишга ўрганмаган халқ орасида нотолерантлик кўринишда ғоявий тўқнашувлар авж олиши мумкин.

# Партиявий тизим: ислоҳотга муҳтож(ми?)



Яқинда бўлиб ўтган сайловлар партиялар учун жиддий синов бўлди. Сайловолди кампанияда улар ўзларини янгича намойиш этишга уринди ва қайсидир маънода кураш орқали сиёсий жасоратни кўрсатмоқчи бўлди – дебатлар шундай таассурот қолдирди. Аммо жамият орасида эса қуйидаги фикр жуда кенг тарқалган (хусусан, яқинда «Facebook» ижтимоий тармоғида бир журналист шундай ёзган): «Ўзбекистон сайловларига рекорд даражадаги 25 миллион доллар маблағ ажратилгани билан бирон ҳақиқий пиар, мазмунли тарғиботни кўрмадим. Бу пуллар фақат рангли шарфлар, шарлар ва концертларга кетдими, Худо билади. Теледебатлар дидсиз ва сунъий томошадек туюлди».

***Сиёсий партиялар соҳасида машҳур тадқиқотчилардан бири Ла Паломбаранинг фикрича, сиёсий партиялар сиёсий тизимнинг вазифалари муайян мураккаблик даражасига етган ёки сиёсий ҳокимият аҳолининг давлат ва жамият ҳаётида иштирок этиши керак, деган хулосага келган ҳамма жойда пайдо бўлади.***

Қизиғи шуки, партиялар ўзаро сиёсий «курашини» дўстона кайфиятда ўтказди ва бир-бирига нисбатан ўта толерант бўлди. Мана шу ҳолатда сунъийлик кўринди. Партиялар уларга берилган имкониятдан ҳам тўлиқ фойдалана олмаганига сабаб, менимча, уларнинг бундай курашга унчалик тайёр эмаслиги. Тайёр бўлмаганига сабаб эса уларнинг сиёсий савияси унчалик баланд эмаслигидир. Биргина мисол: сайловолди кампанияси давомида улар бирон марта ташқи сиёсий масалалар бўйича ўзларининг жиддий фикр ва позицияларини билдира олмади. Кўплаб муаммолар бўйича улар умумий гаплар билан чекланиб, шиорий тарзда дебатлар ўтказди. Албатта, партиялар қўлидан келганча ҳаракат қилди ва мавжуд сиёсий, иқтисодий-ижтимоий масалаларга оид жиддий янги ташаббусларни билдирди ҳамда тегишли ваъдаларни берди. Энди уларни ҳам, бутун жамиятимизни ҳам жиддий демократик синовлар кутмоқда.

Демак, шу пайтгача партиялар фақат сайловлар вақтида уйғониб, қандайдир «сиёсий театр»ни намойиш этарди. Бу сафар партиялар қайта мудроқ ҳолатига ўтмас, деган умидда, қуйидаги принципиал мезонлар бўйича уларнинг фаолиятини баҳолаш мумкин бўлади, деб ўйлайман:

1. Парламентдаги овоз бериш статистикаси шу пайтгача қонун лойиҳалари бўйича бир овоздан маъқуллаш амалиётини кўрсатди (депутатларнинг партиявий аъзолигидан қатъи назар). Агар энди шу сайловолди дебатларда партиялар «жон куйдириб» курашган бўлса, улар худди шундай «жон куйдириб» ўз мақсадлари учун курашини парламент ишида ҳам давом эттириши керак.

***Партияларнинг ўзаро рақобатга қодир эмаслигини Президент Шавкат Мирзиёев танқид қилди. Демак, партиявий тизим жиддий ислоҳотга муҳтож. Бунинг учун, авваламбор, партияларнинг асосий муаммоларини бартараф этиш зарур.***

2. Очиқ овоз бериш қоидасини киритишни таклиф этса бўларди. Яъни, овоз беришда депутатларнинг исмлари кўрсатилган ҳолда, сайловчилар ўз номзодлари қандай овоз берганини кўриши мумкин бўлади.

3. Вилоят, шаҳар, туман кенгашлари учун ҳам энг катта синов пайти келди (ахир шу органларга ҳам депутатларни биз сайладик). Улар ижро ҳокимиятига тобе бўлишдан қутуладими ёки йўқ – буни вақт кўрсатади.

4. Парламентдаги қўмиталар ва партияларнинг фракциялари қанчалик фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда таҳлилий марказлар билан мулоқотга очиқ бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, улар экспертлар билан учрашувларни ташкил этган ҳолда, «тинглов» (hearing) деган амалиётни кенг қўлласа, уларга ҳам, бизга ҳам фойдадан холи бўлмади.

5. Фракцияларни тузиб, иш битди деб, энди парламентда бир амаллаб оддий режимда янги қонунчилик жараёни билан чекланмасдан, партиялар ўз устида ҳам ишлаши кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Яъни улар ўзларини ислоҳ қилишда давом этиши лозим. Хусусан, бир томондан, ўз мафкура ва дастурларини такомиллаштириши, бошқа томондан эса, бўлиниш ёки бирлашиш истиқболини кўриб чиқиши ҳам партиялар олдида турган долзарб масаладир. Шу ўринда партиялар тез-тез пресс-конференцияларни ташкиллаштирса, бундай амалиёт уларнинг сиёсий тажрибаси ҳам, халқ олдида танилувчанлиги ҳам ошиб боришига ёрдам беради.

Шу ўринда муҳокама учун партиявий тизимни ислоҳ қилишга оид айрим концептуал жиҳатдан янги таклифларни билдирмоқчиман.

Ҳар хил демократияларда партиялар ўз ишини ҳар хил юритади. Замонавий демократия классик демократиядан фарқ қилади. Жамиятлар ва давлат институтлари глобаллашув даврида ва жадал информацион жараёнлар муҳитида жуда мураккаблашиб бормоқда. Демак, партиялар ҳам бундай шароитда жиддий синовдан ўтиши муқаррар. Бунда партия тизимини ислоҳ қилиш бир нечта йўналишда амалга оширилиши керак бўлади, партиянинг ташкилот сифатида олий мақсади ва ички тузилиши; партиянинг давлат билан муносабати; партиянинг фуқаролар билан мулоқоти ва ҳоказо.

Табиий савол туғилади: Ўзбекистон учун нечта партия бўлгани маъқул? Албатта, бунга аниқ жавоб бериш қийин, чунки буни буйруқ билан ёки ҳатто демократик қарор билан белгилаб бўлмади. Лекин партогенезис (партияларнинг яратилиши, ўсиши, кўпайиши ва камайиши) бу жонли жараён, шунинг учун, мавжуд партиялар қандай трансформация бўлиши, қандай янги партиялар пайдо бўлиши мумкин (ёки керак) деган саволларнинг долзарблиги аниқ.

Масалан, «Миллий тикланиш» партияси қандай ўзгариши керак? Деярли 30 йил давомида мамлакатимизда миллий тикланиш жараёни муайян шаклда бўлса-да, рўй берди. Энди миллий тикланиш мақсадидан миллий юксалишга ўтиш вақти келди. Шунинг учун **мазкур партиянинг ҳам номи, ҳам ғоявий базаси қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.** Балки «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг партияга айланиш нияти бордир? Шунинг учун, агар ушбу ҳаракат ва «Миллий тикланиш» партияси бирлаша олмаса (чунки уларнинг ғоявий базаси бир хил), унда партия ўз номини ва сиёсий платформасини жиддий ўзгартириши керак бўлади.

Назаримда, ушбу партия «Адолат» партияси билан бирлашган ҳолда янги сиёсий кучни яратиши мумкин. Бу сиёсий кучнинг платформаси республикачилик деб белгиланса, ажаб эмас. «Республикачилар» (ёки «Жумҳурият») партияси консерватизм билан прогрессизм мафкуралари орасида мутаносиблик тафаккури асосида фаолият олиб бориши мумкин. Бошқача айтганда, бу тафаккур эркинлик ва тартиб, келажак ва ўтмиш, миллийлик ва глобаллашув, ғарб ва шарқ каби зиддиятларни бартараф этишга ўзини бағишлаши ва шу тариқа янги сиёсий ечимларни илгари суриши керак.

Сайловларда ғалаба қозонган «ЎзЛиДеп» партиясига келганда, у ҳам, аслида, жиддий ислоҳ қилиниши керак. Бугунги кунда либерал демократия мафкураси ҳатто ривожланган демократик мамлакатларда қайта кўриб чиқиляпти, у маълум маънода инқирозий даврдан ўтмоқда. Ўзларини ўрта бизнес манфаатларининг ҳимоячиси деб белгилаган бу партия фаоллари либерализмни тор маънода талқин қилишмоқда.

***Умуман олганда, барча сиёсий партиялар айни пайтда ўз сиёсий тафаккури, сиёсий савиясини ошириш муаммоси олдида турибди. Уларга концептуал, назарий билимлар етишмайди; ўзларига ҳам, давлат органларига ҳам нисбатан танқидий кўз билан қараш етишмайди; халқ орасида обрў етишмайди; ва ниҳоят, мустақиллик етишмайди. Мамлакатимизда ислоҳотлар жадаллашиб бормоқда. Сиёсий партиялар бу жараёнда орқада эмас, олдинда бўлиши керак.***

**Фарҳод ТОЛИПОВ,**
«Билим карвони» нодавлат илмий муассасаси директори,
Сиёсий фанлар соҳасида фалсафа доктори (PhD)



***Биздаги сиёсий партиялар «пастдан юқорига» эмас, балки «юқоридан пастга» деган тамойил асосида тузилган эди. Бу улар фаол ва ташаббускор фуқароларнинг мустақил сиёсий иродаси билан эмас, балки давлатнинг ташаббуси билан яратилган деганидир. Мана шу воқелик партияларнинг жонсиз ва давлат органларига тобе бўлиб қолишига асосий сабаб бўлди.***

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини takомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

## 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № 2020-01

### Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 16 январь
### Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

2-тип: Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

| Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти |
|---|---|---|
| **Манзил:** Нукус шаҳри,<br>Ғаресизлик кўчаси, 59-а уй.<br>**Телефон:** (0 361) 222-74-12<br>**Факс:** (0 375) 222-74-12 | **Манзил:** Андижон шаҳри,<br>Навоий шоҳкўчаси, 30.<br>**Телефон:** (0 374) 223-57-05<br>**Факс:** (0 374) 223-57-05 | **Манзил:** Бухоро шаҳри,<br>Навоий кўчаси, 6-уй.<br>**Телефон:** (0 365) 223-96-29<br>**Факс:** (0 365) 223-97-51 |
| **Жиззах вилояти** | **Қашқадарё вилояти** | **Наманган вилояти** |
| **Манзил:** Жиззах шаҳри,<br>И.Каримов кўчаси.<br>**Телефон:** (0 372) 226-14-66<br>**Факс:** (0 372) 226-05-42 | **Манзил:** Қарши шаҳри,<br>И.Каримов кўчаси, 60-а уй.<br>**Телефон:** (0 375) 223-18-80<br>**Факс:** (0 375) 223-19-11 | **Манзил:** Наманган шаҳри,<br>Навоий кўчаси, 22-уй.<br>**Телефон:** (0 369) 227-94-30<br>**Факс:** (0 369) 227-91-47 |
| **Самарқанд вилояти** | **Сурхондарё вилояти** | **Тошкент вилояти** |
| **Манзил:** Самарқанд шаҳри,<br>Кўксарой майдони, 2-уй.<br>**Телефон:** (0 366) 233-50-76<br>**Факс:** (0 366) 231-13-51 | **Манзил:** Термиз шаҳри,<br>Тараққиёт кўчаси, 42-уй.<br>**Телефон:** (0 376) 223-44-73<br>**Факс:** (0 376) 223-44-78 | **Манзил:** Тошкент шаҳри,<br>Навоий кўчаси,18-уй.<br>**Телефон:** (0 371) 241-15-37<br>**Факс:** (0 371) 241-15-26 |
| **Фарғона вилояти** | **Хоразм вилояти** | |
| **Манзил:** Фарғона шаҳри,<br>Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй.<br>**Телефон:** (0 373) 244-68-91<br>**Факс:** (0 373) 224-68-92 | **Манзил:** Урганч шаҳри,<br>Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 10-уй.<br>**Телефон:** 95-620- 52-14<br>**Факс:** 62-228-51-99 | |

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«_______вилояти, _________тумани, ___________массивидаги, _________ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган БҲМга (базавий ҳисоблаш миқдори) тенг.

Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:

| Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти |
|---|---|---|
| **Банк:** «Капиталбанк» АТБнинг Нукус филиали<br>**СТИР:** 202610040<br>**Ҳ/р:** 20210000903952518001 | **Банк:** «Инфинбинк» АТИБнинг Андижон филиали<br>**СТИР:** 202453348<br>**Ҳ/р:** 20212000403649944001 | **Банк:** «Ипотека-банк» АТИБнинг Бухоро филиали<br>**СТИР:** 202435424<br>**Ҳ/р:** 20210000903550909001 |
| **Жиззах вилояти** | **Қашқадарё вилояти** | **Наманган вилояти** |
| **Банк:** «Ипотека-банк» АТИБнинг Жиззах филиали.<br>**СТИР:** 202411803<br>**Ҳ/р:** 20210000003757189001<br>**МФО:** 00122 | **Банк:** «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Қарши филиали.<br>**СТИР:** 202453632<br>**Ҳ/р:** 20210000903823711001 | **Банк:** «Ҳамкорбанк» АТИБнинг Юксалиш филиали.<br>**СТИР:** 202393842<br>**МФО**: 00992<br>**Ҳ/р:** 20210000803196752001 |
| **Самарқанд вилояти** | **Сурхондарё вилояти** | **Тошкент вилояти** |
| **Банк:** «Алоқа банк» АТБнинг Самарқанд филиали.<br>**СТИР:** 202 427 054 МФО:00985<br>**Ҳ/р:** 20 21 0000 803 783 329 001 | **Банк:** «Ҳамкор банк» АТБнинг Термиз филиали.<br>**СТИР:** 202 574 427<br>**Ҳ/р:** 2021 0000 504 272 552 001 | **Банк:** «Азия Алянс банк»нинг Олмазор филиали.<br>**СТИР:** 300 017 720, МФО: 01102<br>**Ҳ/р:** 2021 0000 5045 4602 7001 |
| **Фарғона вилояти** | **Хоразм вилояти** | |
| **Банк:** «Инвест финанс банк»нинг Фарғона шаҳри филиали.<br>**СТИР:** 202529457<br>**Ҳ/р:** 20210000203767618001 | **Банк:** «Ипотека-банк»АТИБнинг Хоразм филиали<br>**СТИР:** 202503592<br>**Ҳ/р:** 20210000203755947001<br>**МФО:** 00579 | |

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

**Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:**

| Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши | Андижон вилояти ҳокимияти | Бухоро вилояти ҳокимияти |
|---|---|---|
| **Манзил:** Нукус шаҳри, Ғаресизлик кўчаси, 50-уй.<br>**Телефон:** (0 361) 222-74-12<br>**Факс:** (0 375) 222-74-12 | **Манзил:** Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй.<br>**Телефон:** (0 374) 223-57-05<br>**Факс:** (0 374) 223-57-05 | **Манзил:** Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 1-уй.<br>**Телефон:** (0 365) 223-96-29<br>**Факс:** (0 365) 223-97-51 |
| **Жиззах вилояти ҳокимияти** | **Қашқадарё вилояти ҳокимияти** | **Наманган вилояти ҳокимияти** |
| **Манзил:** Жиззах шаҳри, И.Каримов кўчаси.<br>**Телефон:** 0 (372) 226-14-66<br>**Факс:** 0 (372) 226-05-42 | **Манзил:** Қарши шаҳри, Мустақиллик майдони, 1-уй.<br>**Телефон:** (0 375) 221-02-38<br>**Факс:** (0 375) 221-11-10 | **Манзил:** Наманган шаҳри, Истиқлол кўчаси, 57-уй.<br>**Телефон:** (0 369) 227-08-29<br>**Факс:** (0 369) 227-91-47 |
| **Самарқанд вилояти ҳокимияти** | **Сурхондарё вилояти ҳокимияти** | **Тошкент вилояти ҳокимияти** |
| **Манзил:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.<br>**Телефон:** (0 366) 233-25-93<br>**Факс:** (0 366) 233-25-93 | **Манзил:** Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй.<br>**Телефон:** (0 376) 223-44-73<br>**Факс:** (0 376) 223-44-78 | **Манзил:** Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй.<br>**Телефон:** (0 371) 232-80-47<br>**Факс:** (0 371) 232-80-42 |
| **Фарғона вилояти ҳокимияти** | **Хоразм вилояти ҳокимияти** | |
| **Манзил:** Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 15-уй.<br>**Телефон:** (0 373) 224-33-77<br>**Факс:** (0 373) 222-33-77 | **Манзил:** Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 36/2-уй<br>**Телефон:** 62-227-17-08<br>**Факс:** 62-224-16-65 | |

**Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй (квартира) учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми $м^3$ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони $м^2$ |
| Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 2 600 000 000 | 2 200 000 000 | 400 | 700 | 1500 |
| Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 3 000 000 000 | 2 400 000 000 | 450 | 750 | 1800 |

**Шартнома (лот)лар рўйхати**

| Лот № | Ҳудуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Квартира сони | Тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар | | | Беш қаватли 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | квартира | уй рақами | сони | квартира | уй рақами | |
| **ЖАМИ** | | | **4416** | **174** | **4176** | | **8** | **240** | | |
